

Апелляция инстанциясида судланувчига таржимон хизматидан фойдаланиш учун имконият ва охириги сўз берилмаганлиги туфайли суд ажрими бекор қилинди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2005 йил 17 январдаги ҳукмига асосан И.,Р.,М. ва Б. Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а,в» бандлари ва бошқа моддалари билан айбли деб топилганлар.

Суднинг ҳукмига кўра, И.,Р.,М. ва Б. 2001-2002 йиллар давомида уюшган жиноий гуруҳ таркибида фирибгарлик йўли билан ўзгаларнинг мулкани жуда кўп миқдорда талон-торож қилиш жиноятини ва бошқа жиноятларни содир этишган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2005 йил 25 февралдаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ушбу иш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари назорат тартибида келтирган протестда апелляция инстанцияси ажримини бекор қилиш ва ишни янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юбориш масаласи қўйилган.

Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати 2006 йил 25 июлда қуйидагиларга асосан протестни қаноатлантиришни лозим топди.

Жиноят ишини судда кўриш жараёнида ЖПК талабларининг жиддий бузилишларига йўл қўйилган.

Апелляция инстанцияси судида иштирок этган Б.га ЖПК 20-моддаси талабига кўра, таржимон хизматидан фойдаланиш имконияти яратилмаган.

Бундан ташқари, ЖПК 497-12-моддаси талабига зид равишда суд музокаралари тугаганидан кейин судланувчига охириги сўз берилмаган ҳолда суд қарор қабул қилиш учун маслаҳатхонага кирган.

ЖПК 487-моддасига кўра, судланувчининг таржимон хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилганлиги ва унга охири сўз берилмаслиги процессуал қонун меъёрларининг жиддий бузилиши деб эътироф этилади ва суднинг қарори бекор қилинишга асос бўлади.

ЖСҲ-106-06 сонли ажрим